# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 28-IYUN, JUMA, 79 (8160)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммани янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида "Тўртинчи ҳокимият" сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида авваламбор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими – буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг – бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожида умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий теле-радиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жумладан, охирги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида "Маданият ва маърифат", "Дунё бўйлаб", "Болажон" телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, анъанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунида нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки матбуот ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳалибери тўсиқ-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида холисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айни муддао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожи йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



## ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР – ФАОЛЛИК ОМИЛИ

**Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ, холис ва тезкор етказиш – давр тақозоси.**

Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад – халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 27 июнь куни мамлакатимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу куни Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам сайллари ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Маданият ва спорт ишлари вазири М.Хожиматов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими сунъий йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

**(Давоми 2-саҳифада)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва "5000" рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя ипи ўтказилган.

Билет олд томонининг юқори қисмида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида билетнинг қийматини билдирувчи "5000" рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидаги "5000" рақами устига йирик ҳарфлар билан "SO'M" сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.



Нақшинкор рамканинг пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшинкор рамкаси, "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги "5000" рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган "5000" рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил "2013" кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида рангли нақшинкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида "5000" рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида "OLIY MAJLIS" меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи "5000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "BESH MING" кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оч яшил рангга ўзгартирувчи иккита "5000" рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг "5000" рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI" ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

Самарқанд Вилояти

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# КАТТАҚЎРҒОННИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизнинг барча гўшаларида энг улуғ, энг азиз байрамга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу тарихий санани муносиб нишонлаш мақсадида жойларда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари, маънавий-тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида ҳам байрамга тайёргарлик ишлари авжида. Туман марказидан олис қишлоқларгача барча ҳудудлар ободонлаштирилиб, янги бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Каттақўрғонлик ижодкорлар, зиёлилардан иборат тарғибот гуруҳлари иштирокида маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ижодий учрашув ва бадиий кечалар ташкил этилмоқда.**
**Бу ҳақда туман ҳокими ўринбосари Шерали ЙЎЛДОШЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:**



– Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг йил сайин юксалиб бораётган турмуш даражаси, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркам қиёфаси, одамлар онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришлар, умуман, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўсиш ва ривожланиш мустақиллик туфайлидир. Шунинг учун мустақилликка эришган кунимизни энг улуғ, энг азиз байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

Туманимизнинг 237 мингдан зиёд аҳолиси ҳам ҳар йили Мустақиллик байрамига ўзгача кайфият билан ҳозирлик кўради. Барча маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда бу сана муносиб нишонланади. Истиқлол йилларида эришилган натижалар сарҳисоб қилинади.

Кейинги йилларда туманимиз маркази ҳисобланган Пайшанба шаҳарчасида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари туфайли аҳоли турар-жойлари, савдо мажмуалари, ташкилот ва муассасалар идоралари замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Алишер Навоий кўчаси кенгайтирилиб, йўлнинг икки тарафидаги бино ва иншоотлар, "Ёшлик" стадиони, туман марказий истироҳат боғи барпо этилди. Хотира майдони ва Алишер Навоий номидаги боғда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишларидан сўнг ушбу масканлар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Пайшанба деҳқон бозори мукаммал таъмирдан чиқарилди. Амир Темур кўчасида янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундай улкан бунёдкорлик ишлари нафақат туман марказида, балки олис қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, ҳудудларда замонавий инфратузилма объектлари яратилмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилмоқда. Чунончи, Кадан маҳалласида сўнгги йилларда олтмишдан зиёд янги объектлар ишга туширилиб, юздан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. "Ҳакимов Дилшод нон савдо" хусусий корхонаси томонидан замонавий технология асосида нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Кумуш тола" корхонасида эса хорижий инвесторлар иштирокида ипак йигирув цехи фойдаланишга топширилди. "Рустам пластекс" хусусий корхонасининг полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи модернизация қилиниб, замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргир.

Кейинги икки йил давомида тумандаги 15 умумтаълим мактаби, Пайшанба шаҳарчасидаги 15-, Каттаминг қишлоғидаги 30-болалар мусиқа ва санъат мактаблари, Кадан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази биноларида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Пайшанба компьютер технологиялари коллежи ўқувчилари учун эллик ўринли турар-жой биноси, 4-умумтаълим мактабининг 120 ўринли қўшимча биноси, Муллакўрпа қишлоғида 16-умумтаълим мактаби учун спорт зали ва Бургансой қишлоғида қишлоқ хўжалик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида туманимиздаги 29 қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. Мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатиб келаётган муассасалар учун эса замонавий бинолар бунёд этилмоқда. Бу йил Гулистон, Каттаминг, Мойбулоқ қишлоқ врачлик пунктларида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаётир.

Қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга кўра, ўтган давр мобайнида туманимиздаги Алижон, Кадан, Саройқўрғон ва Омонбой массивларида намунавий лойиҳалар асосида 117 уй-жой қурилди. Ушбу масканлар бугун шаҳарча қиёфасини олиб, қишлоқ аҳолиси шаҳардагидан кам бўлмаган шарт-шароит ва имкониятлардан баҳраманд бўлган ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Айни пайтда Мухтор қишлоғида 54 уй-жой қурилиши давом этмоқда.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами олдидан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида жойларда ўтказилаётган учрашув, мулоқотларда аҳолига шу каби ютуқ ва муваффақиятларимизнинг омили, унинг аҳамияти ҳақида атрофлича тушунчалар берилмоқда. Ҳар бир маҳалла ва гузар, оила ҳаёти мисолида мустақиллик берган кенг имкониятлар, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида ҳикоя қилиб берилмоқда.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР – ФАОЛЛИК ОМИЛИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Тадбирда "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожида заҳматкашноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши нашриёт", "Энг яхши матбаа корхонаси", "Энг яхши муқоваловчи", "Энг яхши босма устаси" ва "Энг яхши технолог" номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йиғилишда мазкур номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири Насриддин Асриддинов, Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби Тамара Машарипова, «Uzbekistan Today» газетаси мухбири Екатерина Соболева юртимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш ва ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

– Давлатимиз раҳбарининг табригини тинглаб, мустақил Ватанда эркин ижод қилиш катта бахт эканини яна бир карра чуқур ҳис этдик, – дейди "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиби, НТТ телеканали мухбири Ҳабиб Пўлатов. – Бундай танловлар ва юксак ғамхўрлик ижодий рағбат, фаоллик ва изланишга ундайди. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларнинг аҳамиятини оммага янада тезкорлик ва холислик билан етказиш борасидаги ишларимизга янги куч-қувват бағишлайди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Тошкент Вилояти

**Аҳолининг шахсий томорқаларидан самарали фойдаланган ҳолда оилаларга моддий даромад олишига кўмаклашиш мақсадида Пскент туманидаги 5 та қишлоқ ва 10 дан зиёд маҳалла фуқаролари йиғинларида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари хонадонларда бўлиб, аҳолининг ўз шахсий томорқасидан қандай фойдаланаётганлигини мунтазам таҳлил этиб бормоқда.**

# ТОМОРҚАДАГИ ДАРОМАД – РЎЗҒОРГА МАДАД

– Баҳорда 300 нафардан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга 3 миллион 586 минг сўмлик турли хилдаги сабзавот, полиз ва озуқа экинлари уруғларини тарқатган эдик, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Муҳаммаджон Абдуазимов. – Эндиликда қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан аҳоли томорқаларига экилган экинлар парвариши ҳам назорат қилиб борилмоқда. Зарур бўлганларга маъданли ўғитлар ва турли хилдаги кимёвий воситалар топишга ҳам кўмаклашилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли Кориз, Дўнгкўрғон қишлоқ ҳамда Гулистон ва Янгиобод маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудидаги кўплаб хонадонларнинг томорқаларида бодринг, картошка, турли резаворлардан мўл ҳосил олинди. Томорқасидан ўз эҳтиёжларини қондираётган аҳоли ортиқча маҳсулотни бозорга чиқармоқда. Бу эса бозорлар тўкинлигини таъминлаяпти.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ МУҲИМ МАСАЛА

*Шу боис, соҳа қонунчилиги янада такомиллаштирилмоқда*

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги борасидаги ваколатли органлардан бири ҳисобланади. Агентликнинг бу борадаги асосий вазифалари эса автотранспорт хизматини амалга оширишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалиётга киритиш ва улар ижросини ваколати доирасида назорат қилишдан иборат.

Агентлик томонидан шу пайтгача 180 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан 158 таси амалиётга татбиқ этилган. Асосий қисмини ҳукумат қарорлари, давлат стандартлари, қоидалар, низомлар ташкил этувчи мазкур ҳужжатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги жараёни учун ўта муҳимлиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан 2013 йилнинг 10 апрелида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни яратилишида ҳам агентликнинг хизматлари самарали бўлди. Қонун лойиҳаси устида бир йил давомида олиб борилган иш жараёнида ташкилот мутахассисларининг ташаббус ва таклифлари алоҳида ўрин эгаллади. Билдирилган таклиф-мулоҳазалар Қонуннинг мукаммаллигини қанчалик миқдорда таъминлаган бўлса, унда белгиланган меъёрлар ҳаракат хавфсизлиги даражасини ошириш, фуқаролар, корхона ва ташкилотлар жавобгарлиги ҳамда масъулиятини кучайтириш, йўловчилар томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этилиши натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига эришишда муҳим омил бўлмоқда. Аҳамиятлиси, янги таҳрирдаги Қонун олдингисига нисбатан анча такомиллаштирилди, тўлдирилди. Соҳага доир жаҳон қонунчилиги ва тажрибаси чуқур ўрганилди. Янги таҳрирдаги қонунда иш берувчининг ҳайдовчилар малакасини ошириш борасидаги мажбуриятлари белгиланди. Раҳбар ходимлар олдига қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Ҳайдовчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаракат қулайлигини таъминловчи тадбирларни молиялаштириш масалаларига аниқлик киритилди. Ечимини кутаётган кўплаб муаммоларни ижобий ҳал этиш имкониятлари яратилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# ХАЙРОБОДНИНГ ИНТЕНСИВ БОҒИ

**Шаҳрисабз–Тошкент автомобиль йўлининг Китоб туманига туташ ҳудуди ўнг томонида мевазор боғ, унинг қоқ ўртасида қад ростлаган икки қаватли шинам иморат эътиборингизни ўзига тортади. Бу ерда "XAYROBOD SERVIS" масъулияти чекланган жамияти томонидан интенсив боғ барпо этилган бўлиб, унда мавж уриб ўсаётган Сербиянинг олма, олхўри кўчатларидаги ҳосилни кўриб, кўзингиз қувонади.**

– Инсондан ҳаётда солиҳ фарзанд, қурган иморатию яратган боғ-роғлари қолади, – деб бежиз айтишмаган, – дейди мазкур масъулияти чекланган жамият раҳбари Салом Ўроқов. – Энг аввало, мустақилликка, муҳтарам Президентимизга катта раҳмат. Биздек ишбилармонлар учун кенг имконият яратиб бермоқда. Ҳозир қўлимизни қаёққа узатсак етади. Олис Европадаги Сербия қаерда-ю, биз қаерда. Ўша юртлардан ана шундай серҳосил мевали кўчатларни келтириб, маҳаллий шароитга мослаштириб олдик. Айни пайтда 11 гектар майдоннинг 4 гектаридаги 3520 туп олма дарахтида ҳосил мўл. Ўтган йили 10 тонна ҳосил олган бўлсак, бу йил 20 тоннани мўлжаллаяпмиз. Насиб этса, ҳосилни октябрь ойида саранжомлаймиз. Шунингдек, етти гектар ердаги "Чаганская красавица" навли 2010 туп олхўрида ҳам ҳосил чўғи ёмон эмас. Бу ҳам кеч кузда эл дастурхонига тортиқ этилади. Камида 15 тонна ҳосил оламиз. Мевали боғнинг пуштаси ҳам бўш қолмаслиги керак. Чунки бизда ҳар қарич ер ҳисобда. Артезиан қудуқдан чучук сув булоқдек оқиб турибди. Ана шуни ҳисобга олиб, 4 гектар майдонга картошка экдик. Гектаридан 25 тоннадан ҳосил олиш учун имкониятимиз бор. Бундан ташқари, 1 гектар ерда сабзи парваришлаяпмиз. Камида бу ҳам 30 тонна ҳосил беради. Шолғом, турп ҳосили ҳам мўл бўлиши кутиляпти. Кўриниб турибдики, оралиқ экинлари ҳам даромад манбаи. Ялпи даромадимиз 100 миллион сўмга яқин бўлса, соф фойда шунинг тенг ярмига тўғри келади.



Боғ ўртасидаги шинам ва кўркам бинода ювиниш, дам олиш, овқатланиш хоналари мавжуд. Иккинчи қаватдан эса боғ ҳудуди видеокамера орқали назорат қилинади.

Китоблик соҳибкорларнинг мақсади 2014–2015 йилларда гектаридан олинадиган ҳосилни 30 тоннага етказишдир. Бу эса жамоа учун экспорт имкониятлари эшигини очади. Айни пайтда бунинг учун пухта тараддуд кўриляпти. Хориждан замонавий совиткичлар келтириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Р.ГАЛИЕВ олган сурат.*

# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ**

**Аъло Абдуллаев** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Фотоахборот таҳририяти фотомухбири — Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи акс этган фоторепортажлари учун.

**Саидолим Абдураҳмонов** – "Адолат" газетасининг махсус мухбири — Жамият ҳаётида юз бераётган демократлаштириш жараёнлари акс этган, долзарб масалалар ёритилган таҳлилий-танқидий материаллари учун.

**Насриддин Асриддинов** – "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири — Ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланган "Бугуннинг гапи" ток-шоулари учун.

**Эркин Ёдгоров** – "Бухорономa" газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири — Вилоятда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг таҳлил этилган мақолалари учун.

**Барчиной Жўраева** – ЎзМТРК "Дунё бўйлаб" телеканали Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари — Истиқлол йилларида республикамизда эришилган ютуқлар, халқимизнинг бой маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган "Дунё ичра дунё – Ўзбекистоним!" туркумидаги кўрсатувлари учун.

**Мамадиёр Зиёдинов** – "Халқ сўзи" газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири — Мамлакатимизда ва вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг кўлами ва самаралари, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши тўғрисидаги мақолалари учун.

**Луиза Маҳмудова** – "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири (интернет-журналистика) — Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсати, унинг стратегик устувор йўналишлари мазмун-моҳияти таҳлилий ёритилган материаллари учун.

**Тамара Машарипова** – Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, "Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси" масъул котиби — Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир педагогик ва ижодий фаолияти учун.

**Ҳабиб Пўлатов** – НТТ телеканали "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастури мухбири — "Мустаҳкам оила йили" ва "Обод турмуш йили" Давлат дастурлари ижроси ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

**Озода Яхшибоева** – Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатини тарғиб этган материаллари учун.

**ҚУЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР:**

**Меҳри Абдураҳмонова** (Жиззах вилояти) — Вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар бошқармаси нашри – "Келажак бунёдкори" газетаси бош муҳаррири

**Муқаддас Абдусаматова** — Фахрий журналист

**Арухан Акпанбетова** — "Нурлы жол" газетасининг адабиёт, маданият ва санъат бўлими мухбири

**Шоҳида Даманова** — "Миллий тикланиш" газетаси мухбири

**Мукаррам Жалилова** — ЎзМТРК "Тошкент" телерадиоканали "Пойтахт" ахборот дастури бош муҳарририяти бўлим мудири

**Мафтунахон Мамасиддиқова** (Фарғона вилояти) — "Марғилон-ТВ" телеканали муҳаррири

**Раҳим Мақсудов** (Навоий вилояти) — "Қизилтепа тонги" туман газетаси бош муҳаррири

**Камолиддин Мингбоев** (Сурхондарё вилояти) — "Сариосиё" туман газетаси мухбири

**Анорбой Норқулов** (Сирдарё вилояти) — "Мирзаобод" газетаси бош муҳаррири

**Муҳаммад Обилов** (Наманган вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси "Олтин замин" радиоси бош муҳаррири

**Оллоберган Ражабов** (Хоразм вилояти) — "Хоразм ҳақиқати" газетаси агросаноат бўлими мудири

**Екатерина Соболева** — "Uzbekistan Today" газетаси мухбири

**Нигора Шофайзиева** (Тошкент вилояти) — Ангрен шаҳар "Улуғ йўл" газетаси муҳаррири ўринбосари

**Жаҳонгир Эгамназаров** (Андижон вилояти) — "Тараққиёт" телерадиокомпанияси муҳаррири

**Дилфуза Қўзиева** — "Фермер" журнали масъул котиби

Жиззах Вилояти

# ҚАЛБЛАРДА МУСТАҚИЛЛИК СУРУРИ

**Байрамлар, тўй-тантаналар ҳаётимизнинг энг қувончли дамларидир. Агар бу шодиёналар бутун мамлакатники, халқники бўлса-чи, унинг сурури, қувончи янада ортади. Байрамнинг мазмун-моҳияти халқнинг руҳини кўтариб, уни ягона мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилади.**

**Асад АБДУАЛИМОВ,**
*Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги “Савронбек Илҳом” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.*

Президентимиз Ислом Каримов қарори билан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик қутлуғ тўйи **“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”** шиори остида ўтказилиши айни шу мақсадга – мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган оламшумул ютуқлар, одамлар қалбидаги бугунги кундан қониқиш, эртанги ёруғ келажакка қатъий ишонч туйғуларини ифода этишга хизмат қилади.

Эсимни таниганимдан буён далада ишлайман. Ўрта мактабни битириб, Ғаллаорол қишлоқ хўжалик техникуми (ҳозирги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи)да ўқидим. Кейин ширкат хўжалигида сувчи, табелчи, бригадир бўлиб ишладим. Ҳозир фермерман. Бутун ҳаётим, фаолиятим ер билан боғлиқ.

Буларни эслаётганимнинг боиси, фермерлик фаолиятим мустақиллигимиз, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган тарихий ислоҳотлар билан бевосита боғлиқ. Мустақиллик туфайли ер эгали, деҳқон ерли бўлди.

Юртбошимиз айтганларидек, бугунги дориломон кунларга, бундай юксак марраларга эришиш осон бўлмаган. Ўзим гувоҳман, собиқ тузум даврида Ғаллаоролда ҳам ерга меҳр бериб, пешона тери тўккан қанча деҳқонлар рўшнолик кўрмай, меҳнатининг мевасидан баҳраманд бўлмай ўтиб кетди.

Мана шу ерлар илгари «Гулистон» колхозига қарашли бўлиб, мева-сабзавот етиштирардик. Бироқ ернинг ҳам, маҳсулотнинг ҳам эгаси давлат, уни етиштирган деҳқоннинг орттиргани фақат қора меҳнат эди, холос. Иттифоқнинг бошқа ўлкаларига вагон-вагон мева жўнатиш учун ҳафталаб уйимизга бормай ишлаган даврлар ҳамон эсимда...

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар туфайли фермерлик ҳаракати йўлга қўйилди. Ишлайман, эл-юртга наф келтираман, деган одамга барча имконият ва шароит яратилди. Давлатимиз раҳбари фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланиб, мен ҳам 2006 йили “Савронбек Илҳом” фермер хўжалигини ташкил этдим.

Аввалига бироз қийин бўлди. Ҳали айтганимдек, собиқ тузум даврида юқоридан белгиланган режа ортидан қувиш оқибатида ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги кескин пасайиб кетган эди. Шунинг учун ишни шундан бошладик, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириб, донли экинлар ва сабзавот етиштиришни йўлга қўйдик.

Ер – хазина. Хўжалигимизнинг йигирма икки гектардан ортиқ майдонида зироатнинг ҳамма турини экаётирмиз. Кейинги уч йилда дон етиштириш шартномасини 145 фоизга бажардик. Ҳосилдорликни 47 центнердан 58 центнерга оширдик. 10 гектар майдонни сабзавотга ажратганмиз. Ҳар йили 50 тоннадан зиёд сабзавот, 30-40 тонна картошка етиштирмоқдамиз. Хўжалигимизда 26 бош қорамол, юз бошга яқин қўй-эчки боқилмоқда. Сабзавот етиштириш ва чорвачиликни йўлга қўйиш ҳисобидан саккизта янги иш ўрни яратдик.

Қишлоқ хўжалигида фойда бермайдиган тармоқнинг ўзи йўқ. Ердан оқилона фойдаланган деҳқон ҳеч қачон кам бўлмайди. Давлатимиз томонидан фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга барча имкониятлар яратиб берилаётгани ютуқларимизнинг бош омили бўлмоқда. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, ернинг унумдорлигини оширишга, хўжалигимиз иқтисодини, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги йилларда хўжалигимиз даромади ҳисобидан 1,5 километр узунликда зовур қазидик. Суғориш тармоқларини таъмирдан чиқардик. Ернинг унумдорлиги яхшиланиб, ҳосилдорликнинг ошиши, ўз навбатида, хўжалик иқтисодининг юксалишига, ишчиларимизнинг моддий фаровонлиги ошишига олиб келмоқда. Олинаётган даромаддан хайрия ишларига ҳам ажратамиз. Масалан, қишлоқ мактабини таъмирлашга, болалар спорт майдончаси қуришга ёрдам кўрсатдик. Қишлоғимизнинг ички йўлларини таъмирлаб, 10 минг туп манзарали дарахт кўчати ўтқаздик. Кам таъминланган оилаларга ғалла, сабзавот тарқатаяпмиз.

Хўжалигимиз ишчиларининг барчаси – қишлоқ ёшлари. Улар иш ҳақидан ташқари етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ҳам таъминланаётир. Меҳнатдан бўш вақтларида дам олишлари учун шароитлар яратилган.

Икки ўғлим ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассиси бўлиб етишди. Уларнинг ерга меҳрини, интилиш-ҳаракатини кўриб қувонаман. Хонадонларимиз тинч, кўнглимиз хотиржам, дастурхонимиз тўкин. Энг катта бахт мана шу! Ёшларга, фарзандларимга ҳам буни такрор-такрор уқтираман.

Мустақиллик йилларида инсон, унинг манфаати биринчи ўринга кўтарилди. Менинг ҳам камтарона меҳнатларим давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, юксак фахрий унвонга сазовор бўлдим. Буларнинг бари мустақиллик шарофати, Юртбошимизнинг халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган оқилона сиёсати самарасидир.

**(ЎзА)**

АГРОМАСЛАҲАТХОНА



# ҒЎЗА РИВОЖИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

## ҲАР БИР АГРОТЕХНИК ТАДБИР ЎЗ ВАҚТИДА, СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛСА, ҒЎЗА РИВОЖИ ТЕЗЛАШИБ, МЎЛЖАЛДАГИ ҲОСИЛ ТЎПЛАНАДИ

Айни кунлар ғўза парваришида масъулиятли палла ҳисобланади. Шу боис, ғўза қатор ораларига ишлов бериш орқали тупроқнинг майин, донадор бўлишига эришиш лозим. Бу тадбир ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлайди, сувсизликка чидамлилигини оширади, обиҳаётни 10-15 фоиз тежаш имконини беради. Шу билан бирга, ғўзанинг гоммоз, илдиз чириш касалликларига чалинишининг олдини олади.

Ғўза ривожи тезлашишининг яна бир омили даланинг бегона ўтлардан холи бўлишидир.

Ғўзанинг озуқа моддаларга эҳтиёжини доимий назорат қилиб бориш керак. **Бу жараёнда маҳаллий ўғитдан фойдаланиш, суғоришни “шарбат” усулида ўтказиш яхши самара беради.** У ғўзага озуқа бериши баробарида буғланишни камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайди.

Барча экинлар қатори ғўза ҳосилдорлиги ҳам кўп жиҳатдан суғоришга боғлиқ. Бу ишни илмий асосда, тупроқ ва об-ҳаво шароити ҳамда экиннинг ўсиш даврини тўлиқ ҳисобга олиб ташкил этишга эътибор бериш керак. Ғўзанинг чанқаб қолиши ёки ўта захлаб суғорилиши ҳосилдорликни камайтиради. Ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади ва ғовлай бошлайди, сақланиб қолган кўсаклар эса кеч очилади.

**Ғўзага сув эмас, балки нам кераклигини деҳқонлар асло унутмаслиги керак.**

Обиҳаёт исроф этилмаслиги учун тупроқ, об-ҳаво ҳамда ўсимликнинг ташналигини ҳисобга олиб суғориш муддатини ва меъёрини белгилаш лозим.

Суғориш ишларини икки навбатда 8-10 гектар майдонга бир йўла сув қўйишни ташкил этиш сувни 10-15 фоизга тежайди. Ғўзанинг яхши ривожланиши учун тупроқдаги намлик 65-70 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агарда 20-25 см. чуқурликдаги тупроқни кафтга олиб қисмлаб кўрсангиз, бир-бирига ёпишмай сочилиб кетса, демак, тупроқдаги нам етарли эмас, ўсимликни тезда суғориш зарур. Бундан ташқари, чанқаган ғўза барглари тунда сўлиш ҳолига тушиб қолади.

Экин майдонларининг текис бўлиши ва ўқариқлар орасидаги масофа ҳам суғориш сифатига таъсир этади. Сув тез шимиладиган ҳамда кам нишабли ва катта нишабли экин майдонларида ўқариқлар ораси 50-70 метр, қолган майдонларда 70-90 метр бўлгани маъқул. Ер ости сувлари яқин ва шўрланмаган ҳамда кам шўрланган ерларда ғўзага эгат оралатиб сув бериш яхши натижа беради. Суғоришнинг бу технологияси сувнинг тежалишини таъминлайди. Айниқса, биринчи ва иккинчи суғоришда эгат ташлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи суғориш сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда ғўза шоналай бошлаганда, ер ости суви яқин жойлашган тупроқларда ғўзанинг асосий қисми шонага кирганда ўтказилади. Кейинги суғоришлар ғўзанинг биологик ҳолатига, сувга бўлган талабига, ҳаво ҳарорати ва тупроқдаги намликка қараб ўтказилади.

Шу кунларда пахта майдонлари атрофидаги бегона ўтларда ўргимчаккана, трипс, ғўза шираси ривожланяпти. Ҳаво исиши билан улар ғўзага ҳам ўтиши мумкин. Улар тарқалиб кетмаслиги учун ҳар бир далани назорат остига олиб, кузатиш ишларини амалга оширишимиз керак. Заракунандалар пайдо бўлган жойларга тезда суспензия сепиш ва кимёвий кураш чораларини амалга ошириш лозим.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Бухоро Вилояти

*Ўтган йилнинг куз фаслида 6335 гектар майдонга барака уруғи қадаган қоровулбозорлик ғаллакорлар ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Ҳозиргача давлат қабул масканларига 14555 тонна сара дон етказиб берилди.*




– Жорий деҳқончилик йилининг бир қадар қулай келганлиги, баҳор фаслидаги ёғингарчиликларнинг меъёрида бўлиши чўлқувар ғаллакорларга айни муддао бўлди, – дейди туман фермерлар кенгашининг раиси Раҳматилло Яҳёев. – Қолаверса, 85 нафар ғаллакор фермерларимиз экин парвариши билан боғлиқ барча агротехник тадбирларни оби-тобида ўтказишга ҳаракат қилишди.

Туман бўйича ялпи ғалла ҳосилдорлиги чўл шароитида гектар бошига ўртача 52 центнерни ташкил этган бўлса, “Умар Шариф”, “Истиқлол”, “Раҳим бобо”, “Ҳаёт” каби илғор фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 60-65 центнерга тўғри келди.

– Жорий йил ҳосили учун 231,2 гектар ерда ғалла парваришлаган эдик, – дейди “Истиқлол” фермер хўжалиги раҳбари Ҳасан Рўзиев. – Астойдил қилган меҳнатимиз ўз натижасини кўрсатди. Экин майдонларидан 1400 тоннага яқин сара дон ўриб олдик.

Айни пайтда туманда ғалладан бўшаган майдонларни сомондан тозалаш, шудгорлаш ва келгуси йил учун тайёр ҳолатга келтириш борасида ҳам қизғин ишлар олиб борилмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Наманган Вилояти

# ФЕРМЕРНИНГ ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАЛИ ОЛДИНДА

**Косонсой туманидаги «Мирзаабдулатиф» фермер хўжалиги дала шийпонига етиб борганимизда, бизни тўрт-беш киши қарши олди.**

— Абдумўмин Субанов шу киши бўлади, — дея улардан бирини менга таништирди ҳамроҳим — туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими агрономи Усмонжон Холмонов.

— Ғалла ўримини якунлаб, анча енгиллаб олдингларми? — дея ҳол-аҳвол сўрадик фермердан.

— Бўлмасам-чи, — мамнун жавоб берди Абдумўмин ака. — Режадаги 240 тонна ўрнига 284 тонна ғалла етиштирдик. Меҳнатимизга яраша ғалла хирмонимиз баракали бўлиб, омборларимиз буғдойга тўлиб-тошди. Энди барча эътиборимизни ғўза парваришига қаратяпмиз. Пахтадан ҳам мўл хирмон кўтарсак, марра бизники-да.

Ён-атрофга назар ташлаб, бир пайтлар “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди”, дея таъриф берилган дашту биёбонлар ўрнида инсон ақлидроки ва заҳматли меҳнати эвазига барпо этилган бепоён пахта далалари, ғалла майдонлари, боғ-роғларни бирма-бир томоша қилдик. Дала четидаги турли хил сабзавот ва ошқовоқ экинлари ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

— Фермер хўжалигимизнинг ер майдони 186 гектарни ташкил этади, — дейди фермер. — Экин майдонларимиз қир-адир ва дашт-тошлоқ жойлардан иборат бўлгани боис, бу ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Асосий экин майдонларимизга сув “Тешиктош” канали орқали етиб келади. Қарийб 20-25 километр узоқликдан оқиб ўтадиган мазкур сув иншоотига кўз тикиш ҳар доим ҳам наф келтирмайди. Шунинг учун зовурлардаги сизот сувларини насос орқали тортиб, экин майдонларимизни суғориб олишга тўғри келади. Фермер хўжалигимиз аъзолари обиҳаёт қадрига етади. “Шуҳрат” медали соҳиби Абдуллажон Фармонов, Набижон Убайдуллаев, Имомназар Шодмонов ва бошқалар туннни-кунга, кунни-тунга улаб, меҳнат қилишяпти. Ҳар қандай экин турига оби-тобида сув тараб, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишяпти.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Дарвоқе, мазкур фермер хўжалиги далаларида жорий йилги пахта ҳосили учун кун сайин ғўза парвариши авж олдирилмоқда. Бунда мавжуд техника воситаларидан унумли ва сифатли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўжалик ихтиёрида учта техника воситаси бўлиб, улардан иккитаси ғўза қатор ораларига ишлов берадиган “ТТЗ-80-11” ҳамда “БТ-150” русумли ҳайдов тракторларидир. Деҳқончилик юмушларини енгиллатиш ака-ука Исроилжон ҳамда Абдулатиф Субановларнинг зиммасида.

— Жорий йилги пахта ҳосили учун 78 гектар майдонга ғўзанинг “Наманган-77” навини экдик, — дейди механизатор Исроилжон Субанов. — Айни пайтгача ғўза қатор ораларига белгиланган миқдордаги минерал ўғитлар солиб бўлинди. Экин майдонлари дашт-тошлоқ бўлгани сабабли ғўза қатор ораларига енгил сув тараш ва суғоришдан кейин ер етилиши биланоқ техника ёрдамида тезда ишлов бериш керак бўлади. Акс ҳолда, йил давомида қилинган барча меҳнат ва сарф-харажатлар ҳавога учиб кетади.

Фермер Абдумўмин Субановнинг таъкидлашича, хўжалик аъзолари ўтган йили ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, пахтачиликдан юқори хирмон кўтарди. Натижада уларнинг моддий манфаатдорлиги аввалги йилларга нисбатан яхшиланди. Ўз навбатида, хўжаликнинг иқтисодий имкониятлари кенгайиб, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларга асос солинди. Жорий йилдан бошлаб фермер хўжалиги томонидан аҳолига арзон ва сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

○ Эълон

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Оқдарё тумани ҳокимининг 2012 йил 7 декабрдаги № 646-Қ, ва № 649-Қ-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қуриш учун, Оқдарё туманининг 1-зонаси Лойиш шаҳарчаси Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган, сатҳи 600 кв.м.дан иборат бир дона ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 252 000 сўм;

**2.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қуриш учун Оқдарё туманининг 3-зонаси Қоратери ҚФЙ Қоратери қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 300 кв.м.дан иборат бир дона ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 58 860 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Оқдарё тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшриғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йилнинг 15 декбргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва 2013 йилнинг 29 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси Оқдарё тумани ҳокимлиги биносида 2013 йилнинг 30 июль куни соат 11:00 да очилади ва 2013 йил 30 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йилнинг 30 июль куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2013 йилнинг 15 август ва 16 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 14 август ва 13 сентябрь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Оқдарё тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 15 август ва 16 сентябрь кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Жомбой тумани ҳокимининг 2013 йил 10 июндаги №665-Қ-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** "Пишган ғишт ишлаб чиқариш цехи" қуриш учун Жомбой шаҳар "Самарқанд" МФЙ саноат базаси ҳудудида жойлашган, майдони 3500 кв.м.дан иборат бир дона ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 611 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жомбой тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшриғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йилнинг 1 сентябргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йилнинг 29 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорида закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жомбой шаҳри Мустақиллик майдони Жомбой тумани ҳокимлиги биносида 2013 йилнинг 30 июль куни соат 11:00 да очилади ва 2013 йил 30 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йилнинг 30 июль куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2013 йилнинг 15 август ва 16 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 14 август ва 13 сентябрь кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жомбой тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 15 август ва 16 сентябрь кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Самарқанд шаҳар Бўстонсарой кўчаси 85-А уй. Тел/факс: (8-366) 233-80-56, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиали ҳ/р 20208000604920609025, МФО:00262, ИНН:207122519.

**Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:** Самарқанд шаҳри Бўстон Сарой кўчаси 85-А уй. Тел: (8-366) 233-80-56. rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz.

# ЁШЛАРИМИЗ ГУРУҲДА ЕТАКЧИ

**Туркияда давом этаётган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг гуруҳ босқичи 2-тур учрашувлари доирасида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Хорватия ёшлар терма жамоасига қарши учрашув ўтказди. Бурса шаҳрида бўлиб ўтган ўйинда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.**

Учрашувнинг 24-дақиқасида Жамшид Искандаров томонидан амалга оширилган жарима зарбасидан сўнг дастлаб Диёржон Туропов яхши ҳаракат қилиб, боши билан тўп йўналишини ўзгартирди. Кейин эса Сардор Раҳмонов яна бир бор тўп йўналишига дахл қилиб, гол муаллифига айланди. Бунга қадар эса Жамшид Искандаров ва Игорь Сергеевнинг тўп узатишларидан сўнг Аббос Махсталиевда гол киритиш учун жуда яхши имконият бўлган, аммо фойдалана олмаган эди.

Ҳисобда ортда қолаётган хорватлар кейинги дақиқаларда кўпчилик бўлиб ҳужумга ўтишга, босим ўтказишга ҳаракат қилишди. Ҳатто, ташаббусга ҳам эга бўлиб, дарвозамиз олдида хавфли вазиятларни юзага келтиришди. Лекин бу вазиятлар комбинацион футбол ёки футболчиларнинг индивидуал ҳаракатлари эвазига эмас, кўпроқ жисмоний кучга асосланган "қўпориб кириш" услубига таянган ҳолда яратилди. Рақибларнинг киритган голи ҳам уларнинг ўйин услубига монанд бўлди. Хорватлар 65-дақиқада белгиланган жарима зарбасидан фойдаланиб, гол киритишди. Марко Ливая ушбу вазиятда ҳимоячимиз Бобур Йўлдошев таъқибидан уни "ағдариб" қутулди ва осонлик билан ҳисобни тенглаштирди. Умуман хорватлар футболчиларимиз билан тўп учун курашда кўп бор майда қўполликлардан фойдаланишди. Ҳакам ўйин тақдирига таъсир кўрсатадиган жиддий хатога йўл қўймаган бўлса-да, ушбу ҳолатларда доим ҳам тўғри қарор чиқармади.

Ажабланарлиси, кўринишидан жисмонан анча бақувват хорватлар учрашув охирига бориб толиқиб қолишди. Афтидан, бир-бирига яқин жойлашган ҳолда қисқа тўп узатишлар асосидаги ўйин услуби футболчиларимизга кучни кўпроқ тежаш имконини берди. Захирадан майдонга тушган футболчилар фаоллиги эса учрашувнинг сўнгги дақиқалари терма жамоамиз устунлиги остида ўтишини таъминлади.

Гуруҳдаги сўнгги учрашувни вакилларимиз уругвайлик тенгқурларига қарши 29 июнь куни Анталия шаҳрида ўтказишади. Учрашув Ўзбекистон вақти билан соат 20:00 га белгиланган.

Уругвайликлар 2-турда Янги Зеландия термасини 2:0 ҳисобида енгди ва уч очкога эга бўлди.

Турнир жадвалида вакилларимиз хорватлар билан тенг — 4 очко жамғаргани ҳолда тўплар нисбатидаги устунлик ҳисобига биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Кейинги босқичга ҳар бир гуруҳдан икки юқори поғонани эгаллаган 12 та жамоа, шунингдек, барча гуруҳларда учинчи ўринни эгаллаган жамоалар орасидан энг яхши натижани қайд этган 4 та, жами 16 та жамоа чиқади. Яъни терма жамоамизга кейинги босқичга чиқиш учун ҳозирда тўпланган очколар ва киритилган тўплар кифоя қилиши мумкин. Шуни ҳисобга олсак, кейинги ўйиндаги ижобий натижа турнир жадвалидаги ҳолат жиҳатидан уругвайликларга аҳамиятлироқ.

**"В" гуруҳи**да куни кеча сўнгги — учинчи тур баҳслари якунланиб, кейинги босқичга чиққан икки жамоа номи маълум бўлди. Хусусан, Португалия ёшлар терма жамоаси Куба ёшлар терма жамоасини 5:0 ҳисобида мағлуб этиб, 7 очко жамғарган ҳолда гуруҳда биринчи бўлишди. Нигерия ёшлар терма жамоаси эса Жанубий Корея ёшлар терма жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашди. Жанубий Корея ёшлар терма жамоаси тўрт очко билан учинчи ўринни банд этди. Уларнинг тақдири барча гуруҳларда учрашувлар якунланганидан сўнг учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар натижаларига кўра аниқ бўлади.

Шунингдек, кеча тунда "А" гуруҳида ҳам 3-тур учрашувлари якунланган. Унда Испания — Франция, Гана — АҚШ ёшлар терма жамоалари ўзаро баҳс юритган.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**



### СЎНГГИ ТУР ОЛДИДАН «F» ГУРУҲИДАГИ ВАЗИЯТ

| № | Жамоа | Ў | Ғ | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Ўзбекистон** | 2 | 1 | 1 | 0 | 4-1 | 4 |
| 2 | Хорватия | 2 | 1 | 1 | 0 | 2-1 | 4 |
| 3 | Уругвай | 2 | 1 | 0 | 1 | 2-1 | 3 |
| 4 | Янги Зеландия | 2 | 0 | 0 | 2 | 0-5 | 0 |

**3-ТУРНИНГ БУГУН ВА ЭРТАГА БЎЛАДИГАН УЧРАШУВЛАРИ:**

**«С» гуруҳи**
Австралия — Туркия
Сальвадор — Колумбия

**«D» гуруҳи**
Греция — Парагвай
Мали — Мексика

**«E» гуруҳи**
Ироқ — Чили
Миср — Англия

**«F» гуруҳи**
**Ўзбекистон** — Уругвай
Хорватия — Янги Зеландия

# СИФАТИГА КАФОЛАТ БОРМИ?

*Бугунги кунда бозор, мини, супер, гипермаркетларимиз ўзимизда ва хорижда етиштирилган, қайта ишланган маҳсулотлар билан тўла. Таъбингиздан ва чўнтагингиз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда истаганингизни харид қилишингиз мумкин. Ҳозирги синчков истеъмолчини эса осонгина алдаш қийин. У сифатсиз маҳсулотни бир марта олиши мумкин. Иккинчи марта ўша ишлаб чиқарувчининг номи битилган қадоқни кўрганда тескари бурилиб кетади. Шу боис, сифат тўғрисида айрим нарсаларни ёдга солиб ўтсак.*

*«Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан юртимизда ишлаб чиқарилиб, савдога қўйилаётган қадоқланган ва ўрамли озиқ-овқат маҳсулотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ёрлиқланган бўлиши шарт.*



**СУТ МАҲСУЛОТИ**

Мол сутига сув қўшилмаган бўлса, шиша идишда қуюқ оқ доғ қолади. Агар идишда сутнинг изи рангпар бўлиб қолса, демак сув қўшилган. Тоза сут қуюқ бўлади.



**КОНСЕРВАДАГИ МАҲСУЛОТ МУДДАТИ**

Консерва банкаларида сотиб олаётган маҳсулотингизнинг қопқоғига эътибор беринг. Агар ишлаб чиқариш муддати ичкарига ўйиб ёзилган бўлса, демак бу сифатсиз маҳсулот. Муддат санасининг ёзуви ташқарига бўртиб чиққан бўлса, демак бу сифатли.



**СИФАТЛИ КЕТЧУП ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?**

Сифатли кетчупнинг ранги тўқ жигарранг, ёқимсизроқ рангда бўлади, аммо қизил эмас. Агар ранги чиройли бўлса, демак унга ранг қўшилган. Шунингдек, оқ салфетка устига кетчупдан томизиб кўрсангиз, томчининг атрофида сув пайдо бўлса, демак сифатсиз. Кетчупдан ликопчага солганингизда томчининг шакли ўзгармаслиги керак.

**Сарвар САФАРОВ тайёрлади.**

Сирдарё Вилояти

## МАЛАКА ВА МАҲОРАТ ТАНЛОВИ

**Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театрида "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

Унда туман ва шаҳар босқичларида етакчилик қилган 11 нафар маслаҳатчи белгиланган шартлар бўйича беллашди.

Танлов якуни бўйича Гулистон туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ҳалима Жумабоева биринчи ўринни эгаллади ва республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

## ДИЛХУШ ОҲАНГЛАР ТАРАННУМИ

**Гулистон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Дилхуш оҳанглар" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

Мақом ва катта ашула йўналишларини янада ривожлантириш, ёшларнинг бу борадаги қизиқишларини ошириш, истеъдодларини камол топтириш, унутилаётган "Шашмақом" таркибидаги қўшиқларни тиклаш мақсадида ташкил этилган ушбу кўрик-танловда шаҳар ва туманларда ғолиб чиққан 13 нафар мақом ижрочилари иштирок этди.

Кўрик-танлов якунига кўра, биринчи ўринни қўлга киритган Сирдарё тумани мақомчилари жамоаси танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Б.БЕКМУРОДОВ**

○ Реклама ва эълонлар







АГРОТЕХНИКА

~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Пресслодборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68
(+99890) 928-80-20
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган.

**АНИҚЛИК КИРИТИЛАДИ**

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2013 йил 21 июнь кундаги 76(8157) сонида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан 2013 йил учун эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишда талаб этиладиган ветеринария препаратлари ва диагностикумларини харид қилиш учун қайта ўтказиладиган тендер ҳақидаги эълони чоп этилган. Ушбу эълонда кўрсатилган саналар 30 кунлик муддати дам олиш кунларига тўғри келганлиги сабабли **қайта тендер учун таклифлар 2013 йил 22 июль куни соат 18-00 гача қабул қилинади ва қайта тендер 2013 йил 23 июль куни бўлиб ўтади** деб ўқилсин.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Н.Ходжибаева д. 1/10 кв-ра 32, выданный кадастровой службой М.Улугбекского р-на на имя Матвеевой Людмилы Георгиевны, считать недействительным.

ООО "SADI JAMSHOX" (ИНН 205752374) М.Улугбекского р-на г. Ташкента уменьшает уставной фонд с 445 243 600 сум до 414 243 600 сум. Претензии по тел.: 177-70-54.

ООО "GRAND INTERPROEKT" Мирабадского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 63 297 838 сум до 61 640 525 сум.

Утерянные кадастровые документы на здание № 6708294142 расположенное по адресу: г. Ташкент Бектемирский р-н ул. Х.Бойкаро, выданные "Тошкент шахар ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси" на организацию ОАО "623-QURILISH MONTAJ POEZDI", считать недействительным.

ООО "DIYORA BENEFIT" (ИНН 206133251) Сергелийского р-на г. Ташкента, уменьшает уставной фонд с 75 720 679 сум до 63 000 000 сум. Претензии по тел.: 177-70-54.

ООО "GRAND GOLDEN RAIN" (ИНН 302431292), зарегистрированное в ИРСП при хокимияте М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 007728-04, 30.11.2012 г) на основании решения учредителя № 2 от 27.06.2013 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н ул. Паркентская 51, тел.: 638-94-57.

ООО "EVEREST TRANS", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (реестр № 008740-08 от 4.04.2013 г.), расположенное по адресу: Чиланзар, 5-36-31 (ИНН 302565743), ликвидируется (протокол № 4 от 26.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянный план дома, расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Оханграбо 2 туп д. 8, выданный кадастровой службой Хамзинского р-на на имя Абдурахманов Иброхим Адхамович, считать недействительным.

Утерянный гувохнома за ТА № 14662408143-85, (реестр № 1-136/12) на магазин по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Фархадский ярмарка, выданный службой кадастра Учтепинского р-на г. Ташкента на имя Нажимуддинова Хирожиддина Назмиддиновича, считать недействительным.

ЧП "PROGRAMM-SERVIS" (ИНН 200837907), расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н массив 40-лет Победы 1-кв-л д. 8 кв-ра 49, зарегистрированное ИРСП Хамзинского р-на (20.01.2004 г., реестр № 000098-07), ликвидируется. Решение учредителя о добровольной ликвидации от 27.06.2013 г. № 1. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 296-12-71.

ЧП "KIBER-SPACE" (ИНН 204805476), расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н массив 40-лет Победы 1-кв-л д. 8 кв-ра 49, зарегистрированное ИРСП Хамзинского р-на (27.01.2004 г., реестр № 000112-07), ликвидируется (решение учредителя о добровольной ликвидации от 27.06.2013 г. № 1). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 296-12-71.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (06.05.2010 й., реестр № 0108370) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Махмудова Гулноза Рахимовнага (ИНН 492430998) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "HAKO-INDUSTRY" (ИНН 302050672) уведомляет о том, что единственным участником (решение № 1 от 20.06.2013 г.) принято решение о добровольной ликвидации Общества. Требования кредиторов могут быть заявлены в течение 2 месяцев с момента опубликования настоящего объявления по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Зарафшан 1, тел.: 298-22-99.

Тошкент ш. Бектемир т. ҳокимининг 15.11.2002 й.даги № 426-сонли қарори билан рўйхатга олинган "FOS-MAGIYA" ХКнинг (СТИР 200663049) ташкилий-ҳуқуқий шакли "FOS-MAGIYA" МЧЖга ўзгартирилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 295-04-48 тел. рақамида қабул қилинади.

ЧФ "MADADI SINO" (СТИР 202391537) сообщает об изменение формы собственности и реорганизации в ООО "MADADI SINO" с переходом всех прав и обязательств от ЧФ "MADADI SINO" к ООО "MADADI SINO". Претензии принимаются по адресу: ул. Фархадская 21 кв-л.

"LANIT PLUS" МЧЖнинг (ИНН 300873931) устав фонди 21 200 000 сўмдан 3 200 000 сўмгача камайтирилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Юнусобод т., 15-69-30.

Тошкент ш. Олмазор (олдинги С.Рахимов) т.га қарашли 22-мактаб томонидан 1992 й.да Рахманова Хилолахон Акбаровна номига берилган № 094667 рўйхат рақамли 9-синфни тугатганлик ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "OLINTER GROUP" (ИНН 301353629), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на № 005140-10 от 23.10.2009 г., адрес: Ц-5 д. 57 кв-ра 31, ликвидируется (протокол собрания учредителя от 25.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 397-66-34.

ООО "ISFANDIYOR-MOBILE" (ИНН 301571136), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Аккурганского р-на Ташкентской обл. (реестр № 195-1656 от 12.12.2011 г.), расположенное по адресу: г. Аккурган ул. А.Навои, ликвидируется (решение № 1 от 21.06.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления. Тел.: 93 537-74-73.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ 2013 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар реабилитация ва соғломлаштириш маркази биноси фасадларини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 385 533 516 сўм, ҚҚСсиз 321 277 930 сўм. **Қурилиш муддати** 180 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Маҳаллий бюджет ҳисобидан.

**Буюртмачининг манзили:** Гулистон шаҳар Дўстлик қўрғони.

**Тел:** 25-14-61, 25-05-98.

**Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

*Танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.*

**Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади:** танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: (8 3672) 27-64-42 ф.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-47, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-614, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.20
22026 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5